



Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан катъи назар, жамиятнинг хар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, хар хил акидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоклари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустахкамлайди. Ислом Каримов

Ровийларнинг айтишича, шох аввал карокчилик килган-у, сўнгра бу йўлдан кайтган, кизик-кизик хикоят ва латифалар айтиб дилларни овлашга мохир бир кишини мусохиблари сафига кўшган экан. Бир зиёфатда ошпазлар дастурхонга кирговул гўшти тортаётганини кўриб, собик карокчи мийигида кулиб кўйибди. Бунга иттифоко кўзи тушган шох ундан нима сабабдан кулганини сўрабди. Карокчи тўгри жавобдан бўйин товлай олмай бундай дебди: “Шохим, карокчилик килган кезларим кай кун даштда бир кишининг йўлини тўсдим. У ҳеч бир каршиликсиз хамёнидаги бор акчасини кўлимга тутказди. Лекин мен бу воқеани кейин гуллаб кўймасин, деган хадикда уни ўлдирмокчи бўлдим. Шунда, у “Биродар, жонимга касд этмай мени кўйиб юбор. Оллохга касам, сенга ҳеч бир даъвойим йўк. Оилам ёнига омон кайтсам, шунинг ўзи кифоя...” дея ялина бошлади. Мен бу илтижога парво килмай, килични даст кўтардим. Шу чок у талваса-ла ён-атрофга аланглади-да кўкда учиб бораётган бир гала кирговулга карата “Эй кирговуллар, сизлар шохид, мени ноҳак ўлдираётир”, деб бакирди. У шу сўзларни айтишга улгурдию килич зарбидан жон берди. Умрим бино бўлиб бундай нодонни учратмаган эдим, шохим. Ахир, ҳеч замонда кирговул ҳам гувоҳликка ўтадимми?! Ўша нодоннинг гапи ёдимга тушиб, мийигимда кулиб кўйган эдим”. Собик карокчи ана шу сўзларни айтиб шохга бокса, хукмдорнинг авзойи бузилган, зиёфат ахли эса кўзини ерга кадаб сукутга чўмганмиш. Шунда шох “Кирговул шохидлик берди! Жаллод, олиб чик буни!” деган экан...

Ок подшо хукуматининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида миллий камситилишнинг чуқурлашиб бориши, солиқ юки ва ижтимоий зулм хаддан зиёд ортиши, айникса, Русиядан кўчириб келинган “муҳиж”ларга катта ер майдонлари таксимлаб берилиб,

уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун полиция ташкил этилиши маҳаллий аҳолининг хўжалик юриштириш кийинлаштириш баробарида иззат-нафсига ҳам оғир ботди. Ана шу сабабларга кўра, Каттакўргон, Самарканд ва Тошкентда кўтарилган кўзголонлар шафкатсизларча бостирилганига карамай, 1898 йили Андижоннинг ерли аҳолиси ҳам чор Русияси ҳукуматига қарши Дукчи эшон бошчилигида оёкка калкди.

Дукчи эшон накшбандия тарикатининг минтақадаги бообрў шайхларидан бўлиб, асл исм-шарифи Мухаммад Али халфа эди. Уни Шайхи дуктарош ёки Дукчи эшон деб аташларига сабаб, урчук – дук ва беланчак ясаб, “Дилинг Оллоҳда-ю, кўлинг ишда бўлсин” (“Дил ба ёру даст ба кор”) акидаси бўйича тирикчилик қилганидир.

Тарихчи олима Д.Алимова интернет сайтларидан биридаги “История и время” (“Тарих ва замон”) номли мақолада Дукчи эшон кўзголонига мана бундай баҳо берган (мақола рус тилида ёзилган бўлиб, иқтибосни аслиятда келтирмоқдамиз): “Приведу лишь один только пример – касательно истории известного Дукчи Ишана, возглавившего выступление населения Андижана в 1898 г. против царской администрации. Конечно же, это было национально-освободительное движение. Однако возведение Ишана в исторической публицистике в национального героя не правомерно. Ведь здесь необходимо углубленное изучение его взглядов и позиций. Исследование произведения самого Дукчи Ишана “Ибрат ал-Гофилин” показывает его узкое мировоззрение и скудость интеллекта, выявляет разнохарактерность целей участников восстания и его предводителя. Амбиции Дукчи Ишана, реализованные посредством религии и экономических требований участников восстания, уставших от беспредела колониальных властей, вынудили его возглавить выступление, а не отнюдь высокие мотивы освобождения Родины. Сам он мечтал о создании внеэтнического суверенного исламского государства, возрождении истинного ислама и призывал к газавату. К счастью, сейчас в этом вопросе поставлены точки над і публикацией Б.Бабаджанова (Б.Бабаджанов. “Андижанское восстание 1898 года: Дервишский газават или антиколониальное выступление?”) // “O‘zbekiston tarixi”, 2001, №2.)”

Мен ушбу парчани диққат-ла ўқиб чиккач, “i” устига нега нукта қўйилди экан, олима бу билан нима демокчи бўлади, дея мушоҳадага толдим. Бу Дукчи эшон тарихини тадқиқ этиш ниҳоя тоғди деганими ёки Мухаммад Али халфани миллий қахрамон аташга чек қўйдик деганими? Ваҳоланки, она-Ватанимиз ўтмишига – унинг дукчи эшонлари тарихига бот-бот қайтмоғимиз зарур ва, демакки, бу масалага на Д.Алимова, на Б.Бобоҷонов нукта қўя олади. Дарвоқе, бир замонлар анча-мунча “ажнабий”лар шундай нукта қўймоққа чоғланган ва баъзи масалаларда озми-кўпми ниятига етган ҳам эди. Д.Алимова тарихчи сифатида бунга биздан-да кўпроқ мисол келтира олишига шубҳа йўқ. Ушбу аччиқ тажриба ҳам даъват этадики, тарихимизни англашга дарров нукта қўя қолмаганимиз маъқул. Зеро, халқимиз кечмишини ҳаққоний ўрганиш фурсати энди келди! Ўтмишимиз қандай бўлмасин ўзимизники ва уни рўй-рост халққа етказиш тарихчиларимиз бурчидир. Қурраи арзда шахсий амбицияси – иззат-нафсини деб лак-лак одамларни оёкка калқтирган не-не тарихий шахслар ўтган ва бундан кейин ҳам албатта ўтади. Тарих фани амбицияси – иззат-нафси бўлмаган шахслар билангина шугулланмоғи зарур деган гапни ҳеч ерда эшитган ҳам, ўқиган ҳам эмасман...

Ҳақиқатан ҳам, Дукчи эшон кўзголон раҳбари сифатида баъзи хатоларга йўл қўйган ва буни исботловчи аниқ далиллар бисёр. Аммо менимча, унинг энг катта нуксонини ўзи бошқарган кўзголонда мағлуб бўлганидир. Дукчи эшон голиб келганида, унинг амбицияси – иззат-нафсига ҳам ўзгача баҳо берилармиди?! Спартак Рим кулларини

озодлик сари курашга бошлаганида, авваламбор, ўз эркию иззат-нафсини кўзлагандир?! Ёки факат ўзгалар хурлигини мақсад килиб олганмикан? Емельян Пугачев-чи? Степан Разин-чи? Нима, уларда иззат-нафс бўлмаганми? Нега улар хақидаги ҳукм Дукчи эшонниқидан бошқача? Тарих, жилакурса, сўнгги нуқтасини кўйишу саҳифасидан номини ўчиришга шошмаяпти-ку!

“Дукчи эшон кўзголови иштирокчиларидан 777 нафари хибсга олиниб, тергов қилинади. Кўплари қалтақлаш ва бошқа қийноқларга қидолмай қамокхоналарда жон беради. Терговдан сўнг 415 киши суд қилинади, улардан 32 нафари айбсиз деб топилиб оқланади, 380 нафари эса айбдор деб топилиб ўлим қазосига ҳукм этилади. Бир кишига умрбод қамок қазоси, уч кишига ахлоқ тузатиш лагерида муддатли ўташ билан боғлиқ қазо белгиланади. Бироқ император авфи билан юқорида зикр этилган 380 кишидан фақат 18 нафари (бошқа бир маълумотга кўра, 21 нафари) осиб ўлдирилади. Қолган 362 нафарига тайинланган қазо енгилга алмаштирилади: 3 киши – умрбод сургунга, 147 киши – 20 йилга, 41 киши – 15 йилга, 1 киши – 13 йилга, 1 киши – 8 йилга, 47 киши – 7 йилга, 4 киши – 4 йилга, 15 киши – Сибирь сургунига ва 3 нафар вояга етмаганлар ахлоқ қолониясига ҳукм этилади.” (“Русский инвалид”, 1898, №127). Бундай қоғомага, бир томондан, Дукчи эшон ярим ялонғоч, оч-наҳор, қетмон ва паншаҳа билан “қуролланган” кўзголончиларни суғ бешқаргани, иккинчи томондан, Россия императори Николай Иккинчининг Туркистон ўлкасидаги қайриинсоний тартиблари сабаб бўлган.

“Эшонни дорнинг тағига олиб қелиб, оёғидаги темир қишанни очамиз деб уриндилар, илож бўлмади, шекилли, болга билан уриб синдилдилар ва бошқа рафиқларнинг қишанлари ҳам уруб синдилди... Дорни тикар вақтида дорнинг тағига одам бўйидан пастрок чуқурлар қазилиб, устига бўйра ёпиб қўйилган экан. Бир тўп солдатлар қелиб, қўлларидаги шофлари билан аргамчиларни қесиб юбордилар. Қаммалари ерга қўзулуб тушдилар. Кейин бир арава оҳақ қелтириб, олти қишини икки чуқурга ташлаб, устидан оҳақ ташладилар. Қар тарафдан тупроқларни тортиб, бирор газ тупроқ тушгандан яна оҳақ солиб, қосили тупроқни оҳақ билан аралаш қилиб, қаттиқ тегиб қўмдилар...” (Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи эшон воқеаси. Т., “Қўлпон”, 1992, 52, 54-55 бетлар).

Дукчи эшон ва унинг яқин қасдошларини дорга оғач, қатто суяғи ҳам қолмасин дея қасадлар устидан оҳақ соқган ҳамда қабрлар изини йўқ қилишга уринган ваҳший тузум Мухаммад Али қалфанинг “дунёқарашни тор ва ақл-идроқи ночорлигини, кўзголон иштирокчилари ва улар раҳнамосининг мақсади турлича бўлганини қўрсатади” ган “Ибратул гофилийн” қитоби қасқаниб қилишга неқуч йўл қўйди экан?! Авваламбор, тарихчиларнинг “Ибратул гофилийн” ақари айнан Дукчи эшонга тағишли эканига қанчалар ишончи қомил? Қолаверса, мақкур ақар хақида Б.Бобожоновга қидма-қид, ижобий фикрлар баён этган муаллифлар ҳам бор. Қунончи, адиб С.Сиёев “Ибратул гофилийн” ақари “дину диёнат нурига ошуфта қўнгилларга ажиб бир зиё элтиб, қилларни илохий бир туйғу ила тўлдиришига” имони қомил эканини таъқидлайди. (“Юлдуз – Андижон осмонида”. Қитобга сўзбоши // Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи эшон воқеаси..., 4-бет). Мен Мухаммад Али қалфа ва унинг шақсига Д.Алимова берган салбий баҳо хақида ўйлаганимда, қуйидаги шубҳақор хаёлларга бораман. Қўп асрлик тарихимизни обдон соқталаштириб, бизни манқурт қилмоқчи бўлган ўша империя асоратлари қали ҳам онг-тафакқуриимизни қалғитишда давом этмаяптими?! Шу империя Дукчи эшон қасади узра оҳақ аралаш тупроқдан уйган қабр тошига шошма-шошарлик билан мақкур шақс фақат иззат-нафсинигина кўзлаган, деган ҳулосамизни ёзиб

кўймаяпмизми? Мустакиллик йўлида Абдулла Кодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон ўзи билганича, Дукчи эшон ҳам ўзи билганича кураш олиб борган-ку?! Ватан озодлиги учун курашлар тарихида галабага элтувчи зарур фазилатларга эга бўлмаган йўлбошчи биргина Дукчи эшонми? Ахир серфазилат одамлар кўпинча пана-панада бикиниб юрган ва хокимият билан хатто мураса ҳам килиб кетаверган-ку! Д.Алимова талабига жавоб бериши мумкин бўлган Кодиркул мингбошига ўхшаш юртдошларимиз, афсуски, чор Русияси кўлида Туркистон эркини паймол этувчи куролга айланган. Бундай кимсалар “ватан” деганда бир бурда нон ивигилган ювиндию ит гажиган бир бўлак суяк тутувчи кўлни тушунган. Балки кимгадир Дукчи эшон дин пешвоси бўлгани холда бундай кўзголонга бошчилик килгани ёкмас? Бирок айна табакага мансуб шахслар ватан ва халк озодлиги йўлида курашга бошчилик килгани тарихда кўп учрайди. Бунга мисол сифатида Хоразм халкини Чингизхон боскинига карши оёкка тургазган шайх Нажмиддин Кубро, бу йил таваллудининг 600 йиллиги нишонланаётган, Франция озодлиги учун кураш алангасида тобланган диндор бокира киз Жанна д'Арк, Американинг кора танли ахолиси хак-хукуклари йўлида жон фидо килган рухоний Мартен Лютер Кинглар номини тилга олиш кифоя килар?!

Дукчи эшон ва унинг сафдошлари шафкатсизларча жазолангандан сўнг, бир неча йил ўтиб Русия императори Николай Иккинчи ундан-да аянчлирок ўлим топганига нима дейсиз?

Николай Иккинчи 1894-1917 йиллар мобайнида Русия императори бўлган. У 1917 йилги Февраль инкилобидан сўнг тахтдан воз кечишга мажбур этилади. Сўнгги Романов бошқарувни муваккат ҳукуматга топширгач, Русияда фукаралар уруши аланга олиб кетади. Уй камогида сакланаётган подшоҳни аввал муваккат ҳукумат Сибирга, сўнгра большевиклар Уралга жўнатади. Ундан ҳам кейин Николай Иккинчи Екатеринбург шаҳрида оила аъзолари билан бирга катл эттирилади. Русиянинг сўнгги тахт сохибини замондошлари ва муаррихлар турлича тавсифлаган. Кўпчилик унинг салоҳияти Русияни камраган сиёсий инкирозни даф этиш кадар юксак бўлмаган деган карашни билдиради. ...Шоҳ аклли, ўқимишли, билимдон одам эди. У айникса кишиларнинг исми-шарифини ёдда узок саклаб колар ва ниҳоятда дилкаш суҳбатдош эди. Шоҳ тарихни яхши билар ва шу соҳага оид жиддий тадқиқотларни ёктирарди. У жисмоний меҳнатни хуш кўрар, бусиз яшай олмасди...

...Подшоҳнинг хулк-атворидаги асосий хусусият юмшок табиатлилики эди...

...Императорнинг Русияга мухаббати масаласига келсак, у ватанини шу кадар севардики, сўз билан таърифлаш кийин. Русия унга насронийлик дини кадар азиз эди; у динидан воз кеча олмаганидек, ватанини ҳам тарк эта олмади...

...Шоҳ на салобати, на сўзи билан аскарлар калбини забт этолган, уларнинг руҳини кўтариш ва мафтун этишга муяссар бўлган. У кўлидан келган барча ишни килган ва шу жихатга кўра уни айбдор деб санаш кийин, бироқ у халкни юксак марраларга чорлай олмаган (А. А. Брусилов).

У хакда касалманд, ахмок, жохил... дея ноҳак сўзлашади. У оддий гвардия офицери эди (А.П.Чехов).

Николай Иккинчи ҳаётидаги асосий воқеалар куйидагилардан иборат. Бўлгуси под-шоҳга сохибсалтанат Александр Учинчи буйругига кўра, диний асосда таълим-тарбия берилади. Николай 13 йил давомида махсус дастур асосида ўқийди. Таълимнинг дастлабки 8 йили чуқурлаштирилган гимназия дастури асосида олиб борилиб, сиёсий тарих, рус адабиёти, инглиз, немис ва француз тили дарсларига алоҳида эътибор

каратилади. Сўнги беш йил ичида эса у давлатни бошқаришда асқатадиган харбий санъат, ҳуқуқ ва иқтисод фанларини ўрганади. Маърузаларни дунёга машхур рус олимлари Н.Бекетов, Н.Обручев, Ц.Кюи, М.Драгомиров, Н.Бунге, К.Победоносцев ва бошқалар ўқийди. Пресвитер И.Янишчев валиахдга ҳуқуқ асосларини илоҳиёт ва дин тарихига боғлаб тушунтиради.

1894 йили Николай Иккинчи немис маликаси Алиса Гессенскаяга уйланади. Ана шундан сўнг пошшо хоним Александра Федоровна номини олади. Улар аввал тўрт – Ольга (1895), Татьяна (1897), Мария (1899) ва Анастасия (1901) деган киз фарзанд кўради. 1904 йили Петергофда бешинчи фарзанд, ёлғиз ўғил – шахзода Алексей Николаевич тугилади.

Империянинг икбол кўеши йилдан-йил сўниб, 1917 йил 25 февралда Николай Иккинчи манифести билан Давлат Думаси фаолияти тўхтатилади. Бундай қарор Русиядаги танг сиёсий вазиятни баттар чигаллаштиради. Николай Иккинчи алалокибат 1917 йил 2 мартда тахтдан воз кечишга мажбур бўлади. Тожсиз шох 1917 йил 9 мартдан 14 августгача оиласи билан Царское Селодаги Александровск саройида уй қамоғида яшайди. 1917 йил 14 августда эса яна оиласи билан 7 нафар офицер ва 337 нафар солдат кўриғида Тьюменга жўнатилади.

Давлат тепасига большевиклар келгач, император оиласи Тьюмендан Екатеринбургга кўчирилади. Улар тоғ муҳандиси Н.Ипатов уйига жойлаштирилади. Император оиласи билан бирга уларга хизмат этувчи яна беш киши – шифокор Е.Боткин (сарик касалини кашф қилган олим), камерлакей А.Трупп, Александра Федоровнанинг оксочи А.Демидова, ошпаз И.Харитонов ва ошпаз ёрдамчиси Л.Седнёв ҳам шу ерда истикомат этган. Шох оиласи ушбу манзилда ҳаётининг сўнги 78 кунини ўтказган.

1918 йил 12 июлда император ва унинг оила аъзоларини катл этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Ушбу қарорни ким, қаерда, нега қабул қилингани асл нусхаси қаерда сақлангани хануз сир бўлиб турибди. Шох ва унинг оиласи Урал ишчи-деҳқон ва солдатлар кенгаши қарорига кўра катл этилган деган ясама ҳужжат кейинроқ “пайдо бўлган”. Русия императори, унинг рафиқаси ва фарзандлари, доктор Боткин ҳамда шох оиласи хизматидаги кишилар (ошпаз ёрдамчиси Л.Седнёвдан ташқари, бу гуашта соткин шекилли, фожиадан бир-икки кун аввал ишдан четлатилиб, уйдан хайдалган) “Махсус ваколатли уй” – Екатеринбургдаги Н.Ипатов уйида 16 июлдан 17 июлга ўтар кечаси катл этилади. Шох оиласига тегишли барча шахсий буюм ва бойликлар катлдан сўнг талон-тарож қилинади. (Николай Иккинчининг рафиқаси ва кизлари либослари ичига олтин занжирлар, бошқа қимматбаҳо тақинчок ва тошларни яшириб олган эди.) Катл қуни Николай Иккинчининг оила аъзо-лари ва барча хизматчилари, одатдагидек, соат 22 дан 30 дақиқа ўтганда ухлашга ётади. Орадан роппа-роса бир соат ўтганда бу ерга икки киши махсус топширик билан келади. Улар қоровуллар бошлиғи П.Ермаков ва уй қоманданти Я.Юровскийга катл ҳақидаги қарорни топшириб, ҳукми зудлик билан ижро этиш талабини кўяди. Уйқудан уйготилган шохнинг оила аъзолари ва барча хизматчиларига Ок армия аскарлари шаҳарга бостириб келаётгани, тўқнашув чоғида уй ўққа тутилиши мумкинлиги, шу сабаб дарҳол уйнинг ертўласига тушиш зарурлиги айтилади. Ертўлага тушилгач, ҳукм эълон қилинади ва катл ижросига киришилади. Ушбу машъум “тадбир” кечаси соат бирда тугайди. (Мазкур сатрларни қалбада изтироб ва кўзда ёш билан ёздим – М.Т.)

Я.Юровский кўлидаги рўйхат бўйича катлни ижро этган барча аскарлар венгер ўқчилари бўлган. Бу аскарлар рус тилини мутлақо билмаган, улар Я.Юровский билан немис тилида

гаплашишган.

Оқлар харакати Русиянинг Олий ҳукмдори деб эълон қилган адмирал А.Колчак изкувар Н.Соколовга Николай Иккинчи ва унинг оила аъзолари катли юзасидан қидирув олиб боришни топширади. Аммо Колчак отиб ўлдирилгани, Совет ҳокимияти ўрнатилгани ва Н.Соколов Парижда вафот этгани сабаб ушбу қидирув охирига етмай қолади. 1991 йили Н.Соколов маълумотларига асосланиб, император оиласи жасадларининг қолдиги топилади (ушбу жасадлар МВД ходими Г.Рябов тамонидан 1979 йили топилиб, қайтадан қўмиб ташланган эди). 2007 йил ёзида яна Эски Коптяков йўлида қидирув ишлари йўлга қўйилади. Бу гал шох оиласининг 1991 йили топилмаган икки аъзоси (шахзода Алексей ва малика Мария) жасади қолдиклари изланади. Нихоят император қўмилган жой яқинидан 10-13 ёшлардаги ўғил ва 18-23 ёшлардаги қиз жасади қолдиклари топилади. Екатеринбург археологлари ва экспертлари ҳулосасига кўра, ушбу қолдиклар шахзода Алексей ва малика Мария жасадига тегишли экани тасдиқланади. Николай Иккинчининг фарзандлари чопиб ташланганидан далолат берувчи из уларнинг елка қисмида аниқланган. Бундан ташқари қалла суягида ўқ ҳосил қилган тешиқлар ҳам бор. Николай Иккинчи, унинг оиласи ва хизматчилари жасади элтиб ташланган лаҳадга тупрок аралаш оҳак ва кислота сепилган.

Омманинг ваҳшиёна қатлга муносабатини ўша даврда яшаган В.Коковцов қуйидагича ифодалайди: “Аянчли хабар эълон қилинган қуни мен икки бор қўчага чиқдим, трамвайда шахар кездим, аммо бирор ерда озгина бўлсин раҳм-шафқат, ачиниш-қайгуриш аломати қўрмадим. Аҳборот баланд овозда, кесатик ва мазах оҳангида ўқиларди... Маънисиз бир тошбағирлик, қонсираган бир манманлик руҳи ҳукм сурарди. Теварак-атрофдан “Аллақачон шундай бўлиши керак эди”, “Қани яна бир шохлик қилиб қўр-чи энди”, “Николашкага – қришка”, “Эй, биродар Романов, ўйнаб бўпсан-да”, деган жирқанч сўзлар эшитиларди...”

Император ва унинг оиласи жасади қолдиклари 1998 йил 17 июлда Санкт-Петербург шаҳридаги Петропавловск хилхонасига олиб келиб дафн этилди. Николай Иккинчи азоб-уқубат чеккан мўътабар зот дея эълон қилинди. Унинг хотирасини абадийлаштириш учун Екатеринбургдаги Ипатев уйи ўрнида мухташам ибодатхона барпо этилди.

Эвоҳ, бир давр ва бир давлатда яшаган икки инсон фожияси нақадар муштараклиги киши этини жунжуқтириб юборади. Накшбандия сулуқининг пири ма-қомига эришган ва дукчилик ҳунари ортидан қун кечирган Муҳаммад Али халфа иттифоқо Худоёрхон қаби умргузаронлик этишга ҳавас қилиб, шахсий иззат-нафси йўлида халқ бошига фалокат ёғдирган дея ҳулоса чиқарсак, ноҳақ бўламиз чоғи. Унинг қамқхонада жабр-зулмга мардона чидагани ва қўзғолон аҳлидан бирортасини сотмагани, айниқса, чор Русияси ҳуқумати олдида тавба-тазарру қилмагани бу зотни асл матонатли шахс, қин ватанпарвар инсон дея олишимизга асос беради, бизнингча. Ҳамид Зиёев “Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши қураш” қитобида (Тошкент, “Шарқ”, 1998 йил) Фозилбек Отабек ўғли лафзидан ушбуларни баён этади: “Арслонқоб тарафига излаб юргувчи Яъқуб қўрқоши билан Қодирқул мингқошига одамлар эшонни шу тарафда қўрганларини айтганлари учун Арслонқобга яқин Тошқўприқ деган тор йўлни тўсиб турганларида, Эшон ўша йўлдан қориб, Тошқўприқ устида учраб қолгон. Дарқол Яъқуб қўрқоши: “Эй, тақсир! Ман сизни қутиб турибман, ёрдам қилмоқ учун” деб, отдан ўзини ташлаб қўришмоқчи бўлиб югурган, эшон ҳам отдан тушиб, йиғлаб қучоқлашиб қўришган вақтда, эшонни қўтариб, тағига қосиб олган ва одамларни қақириб, боғлаб олганлар.

Оркасидан уч одамни ҳам тутиб, тўртовларини боглаб қўйганлар. Кодиркул мингбоши дархол етиб келиб, эшонни кўриши билан: “Хотинталок! Хаммани хонавайрон килдинг-ку!” деган. Эшон буларга: “Икковинг ўлар вақтда жинни бўлиб ўлгин! Бизни русга тутиб берган қўлларинг билан ўзингни уриб, сўккан огзинг билан ўзингни тишлаб ўлгин!” демакдан бошка ҳеч гап айтмаган...” (ўша асар, 32-бет). Айти шу муаллиф дуоибатда этилган икки хоиннинг бири – Кодиркул мингбоши тақдири ҳақида кейинроқ мана бундай маълумот беради: “...Шахарнинг катта оксоколи Кодиркул мингбошининг зарби ва сиёсати ниҳоят каттик ва бераҳм бўлгани шаҳар фуқароларига маъруф ва машҳур эди... Оксокол юртга сиёсат ўтказиш учун “ур” дардига гирифтор бўлгон ва ким бўлса бўлсун, рўбара келса урдирмай қўймас эди. Охирида, бу “ур, ур” дардининг касофати билан бир дўқондор арманининг бойини уруб қўйди, бу армани бой нафсоният килиб, сармоялар тарафдори бўлгон ҳоким губернаторларга арз килиб, судга бериб, охири истибдод учун қилгон шунча хизмати мукофотига, ниҳоят, хорлик билан ўрнидан бекор бўлди ва Кўкон кишлокка бориб, амал хасратидан бетоб бўлуб, охири Мажнундек бўлуб, ўзини ўзи жароҳат килиб ўлди. Мустабид ҳукумати бизга эшон ходисасида қўб хизмат қилгон эди, деб риоя қилмади. Сармоядор бой арманининг капитал қуввати уни йикитиб қўйди” (ўша асар, 48-49-бетлар).

Биз бу ибратли ҳикоятга таяниб, Кодиркул мингбоши Дукчи эшон қарғишига дучор бўлди, десак эҳтимол қулгига қолармиз. Аммо Николай Иккинчидек император бошига тушган фожиа, унинг жасади устига ҳам Дукчи эшонникидек охагу кислота тўкилгани таажжуб ва тавба этгулик бир ҳол, албатта. Айтганимиз, бизнинг диёр фарзандлари бўлган ва тақдир тақозоси-ла Европага бориб қолган “венгерлар” деб аталмиш халқнинг беш-олти фарзанди шохни қатл этиши кишини чуқур ўйга толдиради.

Рус халқи ўз фарзанди ва императори Николай Иккинчини азоб-укубат чеккан мўътабар зот деб эълон қилиб, қатл этилган жойида мухташам ибодатхона тиклади. Россиянинг сўнги императори қолдиқларини Романовлар хилхонасига қўчириб, унга ҳурмат ва эҳтиром бажо келтирди.

Биз ҳам Мингтепа кишлогидан чиққан оддий халқ чор Россияси ҳукумати зулмига қарши Дукчи эшон бошчилигида кўзголон кўтаргани ва бу билан чинакам жасорат, мардлик кўр-сатганини холис эътироф этиб, уларнинг номини абадийлаштириш чора-тадбирларини қўрсак, айти муддао бўлармиди...

Мансурхон Тоиров.

«Тафаккур» журналидан